Муаммоларга прокурор ечим топди...ми?! 1

Болалигим-пошшолигим, шўхликлари бир дунё... 2

Кўнглим даласида унган чечаксан,
Туйғуларни чертган сеҳрли торим.
Кимгадир ошносан, кимга эртаксан,
Илҳомим эркаси — ёлғиз баҳорим!

BUYUK KELAJAKNI BIRGA QURAMIZ!

BUXORO YOSHLARI

2020-YIL,
MART, № 4-5
(424-425)

IJTIMOIY–SIYOSIY, MA'NAVIY–MA'RIFIY, ADABIY–BADIIY GAZETA

2001-yil fevral oyidan chiqa boshlagan

UXORO-YOSHLARI.UZ @BY_GAZETASI

ВАТАНДА ҚАД РОСТЛАР УЛКАН ЧИНОРЛАР

Баҳорлар бошланар аёлни куйлаб,
Бағримнинг кенглиги осмон қадардир,
Меҳр-саховатда уммон қадардир,
Покиза тимсоли иймон қадардир,
Тиниқ хаёлидан сўзланг аёлнинг.

Сиз унинг мансабин, унвонин айтманг,
Эл ичра шуҳрати ва шонин айтманг,
Қирқта жони, минг бир имконин айтманг,
Ёруғ иқболидан сўзланг аёлнинг.

Юртга соҳибқирон Темурни берган,
Ҳазрат Навоийни, Бобурни берган,
Эркакка мардликни, ғурурни берган,
Фазлу камолидан сўзланг аёлнинг.

Миллатнинг чироғи ёрқинроқ порлар,
Ватанда қад ростлар улкан чинорлар,
Улғаяр эл юкин кўтарар норлар,
Она – биз суянган олтин минорлар,
Эзгу аъмолидан сўзланг аёлнинг.

Авайлай олсангиз, бир қучоқ гулдир,
Кўнглингизга шоҳ ул, меҳрга қулдир,
Покиза чашмадир, мунглиғ кўнгилдир,
Суюк тимсолидан сўзланг аёлнинг.

Баҳор базми билан безанди борлиқ

Нафис яшиллигу ифор чечакларга бурканиб, бутун борлиққа ҳаёт бахш этаётган қуёш нуридан янгиланаётган олам, далалар узра майин эсаётган хушбўй шаббода, қийғос гуллаётган боғлар таровати ўлкамизга Баҳор кириб келганидан дарак. Баҳор келиши билан ҳар бир хонадон файзу-барака, қувончу шодликка лиммо-лим бўлиши учун чор атроф боғу-бўстонга айлантирилади. Гулу райҳон, кўчатлар ўтқазилади. Қалдирғочлар чарх уриб, гўё қанотларида меҳру оқибат, ҳалоллик, эзгулик, ишқу муҳаббат дурларини заминга сочади. Гул Баҳорнинг ҳар шодасида байраму тантаналар ғунчалайди. Мана шу гулу райҳонлар, жамбилу нозбўйларнинг илк базми Сизга туҳфа, Аёллар!

8 март байрами яқинлашгани сари Сиз азиз онажонларимиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз учун гулларнинг энг нафисини, совғанинг энг сарасини ахтарамиз. Совғаларда қалбимизни, бор меҳр-муҳаббатимизни жо этишга интиламиз.

Баҳор бахти, гуллар ифори, камалак жилосию, шўх шаббодалар насими Сизга тортиқ бўлғуси!

Ҳар бир уйғонаётган яшил майсалару дов-дарахтлар куртагидаги ажиб мўъжизалар Сизнинг меҳру-муҳаббатингиз ила оламни безагуси!

Кўзларингиз жилосида гуллар муғжа очиб, латофатли чеҳрангизга нурлар ёғилсин!

Барча-барчангизга байрам муборак бўлсин!

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Бухоро вилояти Кенгаши

Сардорлар билан учрашув

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаш раис ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилот раиси Дилноза Каттахонова, Сардорлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси Жамшидбек Эгамберганов ҳамда Республика Сардорлар Кенгаши аъзоси, Ташаббус ва лойиҳалар йўналиши бўйича сардори Маржона Жўраевалар бухоролик ёшлар билан учрашди.

Учрашувда келажакда йўлга қўйилиши кутилаётган янгича тизим - "Ёшлар агентлиги"нинг қандай бўлиши, уни ташкил этиш борасидаги мусоҳабалар қизғин кечди.

Ундан ташқари, ёш оилаларнинг муаммолари тингланди, ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Вилоят Сардорлар Кенгаши учун яратиб берилган шарт-шароитлар билан танишилар экан, уларга услубий маслаҳатлар берилиб, камчиликларни бартараф этадиган чора-тадбирлари белгиланди.

Яхшилликка буркансин олам

Халқимизнинг бой оғзаки ижодида табиат, атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида айтилган "Бирни кессанг, ўнни эк", "Умрингдан бир кун қолса ҳам кўчат эк", "Бир йил тут эккан юз йил гавҳар теради" сингари мақоллар кишини дарахт ўтказиб, боғ яратишга ундайди.

Ёшлар иттифоқи Вобкент туман Кенгаши ташаббуси тумандаги "Ширин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказилган "Миллион дарахт экиш" акцияси минглаб аҳоли ва ёшларни атрофига бирлаштирди.

Бир кунда битта маҳаллада 2000 дан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди.

Ана шундай савобли амалларнинг ҳаётий ифодаси сифатида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил қилинган "Миллион дарахт экиш" акцияси вилоятнинг барча ҳудудларида қизғин давом этмоқда.

Эслатма: *Бир ой давом этадиган бу хайрли ташаббус доирасида ўрмон хўжалиги томонидан жойларга бир неча хилдаги мевали ва манзарали кўчатлар, шунингдек, қаламчалар етказиб берилади. Бу борада ҳудудларда корхона, ташкилот, муассасалар билан шартномалар тузилмоқда. Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган хонадонларга эса кўчатлар бепул етказиб берилади.*

Суннат МАМАНАЗАРОВ

BUXORO YOSHLARI

Бухородаги Онкология тиббий маркази 143 ўринга мўлжалланган. Саратонга чалинганлар сони эса ортмоқда.

РАНГИН ДУНЁГА ТАЛПИНАЁТГАН БОЛАЛАР

Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббий маркази Бухоро филиалида даволаниш учун келаётган саратон билан хасталанган болалар сони ўтган йилдагиларга нисбатан ошмоқда.

- Авваллари болалар орасида саратон катта ёшдагилар билан солиштирганда анча кам кузатилган. Сўнгги тадқиқотлар эса болаларнинг саратонга чалиниш кўрсаткичи сезиларли даражада ортган,-дейди Ғафур Саидов.

Айтиш жоизки, саратон хасталиги билан оғриган, ҳаётнинг аччиқ ва оғриқли зарбаларига дош бераётган болаларнинг дунёнинг рангин оламига талпинаётганини, хастагина жисми билан яшашга интилаётганини кўриб, бир-да хомуш тортсак, бир-да чап кўксимиз санчиб кетади.

Уларни хурсанд қилиш, озгина бўлса-да, юзларига табассум ҳадя қилиш учун келаётган саховатпеша инсонларнинг кети узилмайди.

Бухоро вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти ташаббуси билан "Бухоро китоб олами" савдо мажмуаси, "Situlife" ва "Ал Барака+Мансур" масъулияти чекланган жамият томонидан мазкур тиббий марказда "Болаларга қувонч улашинг!" акцияси ўтказилди.

Болалар юлдузли-меҳмонлар, рақслар шоуси томошаларидан баҳраманд бўлишди. Турли совғалар улашилди, китоб, газеталар тарқатилди. Улар билан турли мультфильм ва эртак қаҳрамонлари ҳақида, орзу ва қизиқишлари борасида суҳбатлар бўлди.

- Мен билан бирга даволанаётган болажонларга турли совға-саломлардан ташқари, оқ-қора тасвирдаги турли кўринишдаги суратлар графикаси жамланган "Узинг бўя!" китобчалари ҳамда рангли қаламларни совға қилишибди. Менимча, совғалар ичида энг аълоси шу! Кун-узун касалхона шифтига қараб, ўзига умр сўрайдиган тенгдошларимнинг нигоҳида ҳаётнинг оқ-қора тасвири чўкиб қолмаган, дея олмайман. Мен ҳар сафар ана шу оқ-қора тасвир расмларни ўз қўлларим билан бўяб, рангин оламга интиламан. Келгусида архитектор бўлмоқчиман,-дейди қоракўллик 11-синф ўқувчиси Жавоҳир Хайриев.

Хаста болажонларнинг бири шифокор бўлишни, бири ўқитувчиликни орзу қилади. Боғча опа бўлишни ният қилганлари ҳам йўқ эмас. 7 ёшли Ситора эса "Катта бўлсам, ширинликлар фабрикасида директор бўламан",-дейди. "Мен худди бобомдек эртакчи бобо бўламан, невараларимга кўп-кўп эртак айтиб бераман!"-дейди 5 ёшли Жавоҳир.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Тиббий марказ директори Ғофур Саидовнинг Таҳририятимизга маълум қилишича, мазкур тиббий марказ Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига хизмат кўрсатади. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган. 78 нафар шифокор, 239 нафар ҳамшира томонидан беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатилади. Тиббий марказ 12 та бўлим, яъни 6 таси клиник ҳамда 4 та жарроҳлик бўлими, шунингдек, 1 та химиятерапия ва 1 та радиология бўлимларидан иборат. Шифо маскани 143 ўринга мўлжалланган, аммо беморлар сони 176 нафарни ташкил этади. Амбулатор тартибда даволанаётганлар эса 100 дан ортиқ.

Бухоро шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Шоҳжаҳон Сафоев эса келажакда Тошкент халқаро Весминистер университетида таҳсил олишни ният қилган. Инлиз, рус ва тожик тилларида бемалол сўзлаша олади. Хасталикнинг оғир босқичини ўтаётган беморни ҳар куни мактабдошлари, яқинлари, дўстлари йўқлаб келганда, унинг ҳаётга, яшашга бўлган умиди ошади.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббий маркази Бухоро филиалида Шоҳжаҳон сингари болалар кўп.

Иттифоқдан хабарлар

Меҳр қўлларини узатайлик!

Юртбошимизнинг 2020 йил 24 январдаги "Парламентга мурожаати"дан келиб чиқиб, Қоракўл тиббиёт техникумида "Меҳр томчилари" волонтёрлик гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳ ёшлари тенгдошлари билан учрашишди. Буюк тарихимизга оид ҳужжатли фильм ҳамда замонавий қаҳрамонлар ҳаёти акс этган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Ундан ташқари, тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларига маънавий кўмак ва миллий маданиятимиз, бой тарихимизни кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида "экстернат" тартибда таълим олаётган ўқувчи-ёшлар уйларига ҳадялар билан боришди.

Ғиждувонда "Раҳбар ва ёшлар" учрашди

Ғиждувон туманидаги Саноат-транспорт касб-ҳунар коллежида туман прокурори ўринбосари Ғафур Раҳмонов билан "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви ташкил этилди.

Учрашувда ёшлар ва чет элга ишлашга кетмоқчи бўлганлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мурожаат этишди.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ёшларга "Yoshlar-kelajagimiz" жамғармаси раҳбари томонидан имтиёзли кредитлар олиш ва унинг имкониятлари хусусида тўхталди.

Бахтли оила сари қадам

Вобкент туман 6-сонли туманлараро газ таъминоти участкасида ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, "Қассоблик" жомеъ масжиди, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими билан ҳамкорликда "Бахтли оила жамият таянчи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида 30 нафардан ортиқ ишчи-ходимлар иштирок этди. Масъуллар ёшларнинг кийиниш одоби, соч турмаклаш, жамоат жойларида ўзини тутиш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асослари, оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш борасида тўхталди. Оиланинг ички муносабатлари, ҳар бир ёшнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини юксалтириш, халқимизнинг одоб-ахлоқ меъёрлари, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш бўйича тушунчалар берилди.

Бирни кессанг, ўнни эк!

Эрта тонгдан Бухоро туман 22-мактабгача таълим ташкилоти ер майдонида "Миллион дарахт экиш" акциясига старт берилди. Акцияни намуна сифатида туман мактабгача таълим бўлими раҳбарияти дарахтни ўтказиш билан бошлади. Шундан сўнг тумандаги мавжуд мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари кўчат ўтказишга киришиб кетишди.

Акцияда туман иқлимига мос чидамли кўчатлар экилишига алоҳида эътибор қаратилди. Акция доирасида ҳар бир муассаса теварак-атрофи ҳамда экин майдонларида 5 минг тупдан ортиқ манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалари экиш режалаштирилган. Акция 15 февралдан 15 мартга қадар давом этади.

Маълумот ўрнида: *ўсимликлар дунёси ҳаёт учун зарур кислороднинг асосий манбаидир. Бир гектар майдондаги дарахтлар бир кеча-кундузда ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлашга етади. Оддий қилиб айтганда, тўртта дарахт бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондиради.*

Мактаб кутубхоналарида китоблар базасининг бойитилиши ҳамда ёшларнинг интернет тармоқларидан самарали фойдаланишини ташкиллаштиришга амалий ёрдам бериш ҳамда бошқа қатор истиқболли таклифлар ўртага ташланди.

Жойида ҳал қилиш имкони бўлган оғзаки мурожаатлар қаноатлантирилди. Атрофлича ўрганиш тақозо этиладиган масалаларни ҳал этиш юзасидан Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ҳамда ваколатли ташкилот раҳбарларига топшириқлар берилди.

"Камалак жилғалари"— ғолиб

Вобкент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида "Энг намунали сардорлар Кенгаши" танловининг мактаб босқичи ўтказилди. "Камалак" болалар ташкилоти сардорлари 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Таълим муассасаси ўқитувчиларидан тузилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари ёшларнинг "Камалак" болалар ташкилоти Низоми, "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, "Камалак" болалар ташкилоти аъзоларининг Қасамёди, "Камалак" болалар ташкилотининг мақсад ва вазифалари бўйича билимларини синовдан ўтказишди.

Танлов якунида 5-"А"синфининг "Камалак жилғалари" жамоаси "Энг яхши лойиҳа"си билан иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Дилафрўз Жабборова

ГАЗЛИДА:

- ТАДБИРКОРЛИККА ҚИЗИҚУВЧИЛАР БОР - ИШ ИМКОНИЯТИ ВА ШАРОИТИ ЙЎҚ.
- НАРХ-НАВО БАЛАНД - МАОШ ПАСТ.
- ФИДОИЙЛИК КАМ - МАЙДА, МАИШИЙ ТАЛАБЛАР КЎП.

МУАММОЛАРГА ПРОКУРОР ЕЧИМ ТОПДИ...МИ?!

"...МЕНГА ИШ КЕРАК!"

"Касб-ҳунар коллежларидан бирини тугатганман. Беш йилдан буён ишсизман. Жуда кўп жойларга мурожаат этганман, аммо натижа бўлмаган. Оилада 4 нафар киши яшаймиз, фақат отам ишлайди, холос. Мен эса пайвандчилик қилиб, оилага у-бу даромад топиб киришга ҳаракат қилиб турибман"-Газли шаҳарчасида ўтказилган "Прокурор ва ёшлар учрашуви"да Абдусаид Бердибаев шундай деган бўлса, шаҳарчадаги 36-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Анвар Эргашев мазкур манзилда битта ҳам спорт иншооти ёки ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳеч қандай имконият йўқлигини билдирди. Анифа Алтаева эса 2 нафар фарзанди билан 20 йилдан буён уйсиз, ижарама-ижара яшаб келаётганидан шикоят қилди.

Учрашувда Газли шаҳарчасида муаммолар жуда кўплиги, айниқса, иш билан банд бўлмаганлар сони юқори даража эканлиги ўртага ташланди.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА: Бухоро шаҳар марказидан 100 километрча олис чўл манзилида жойлашган Ромитан тумани таркибидаги Газли шаҳарчаси ҳудуди 1,3 минг квадрат километр. Шаҳарга бўйсинувчи 2 та маҳалла бўлиб, унда 6069 нафар аҳоли яшайди, шундан 2178 нафари ёшлардан иборат. Хонадонлар сони 956 та, оилалар сони эса 1154 тани ташкил этади.

Газлида "Гўзаллик салони" йўқ

Газлида иш излаб юрганлар сони даражасининг юқорилиги унда, бор-йўғи, 2 та, яъни, "Газлинефтгазқазибчиқариш" МЧЖ ҳамда "Газлимагистралгазқувурлари" корхонаси фаолият юритади, холос. Афсуски, мазкур идора, корхоналарда ҳам ишлаб чиқаришда иқтисодий салоҳиятнинг пасая бошлаётгани ишсизликнинг ошишига туртки бўлмоқда. Шунга қарамасдан, Ромитан туманининг бошқа ҳудудларига нисбатан мазкур шаҳарчада турли хориж давлатларига иш излаб кетган фуқаролар сони кам, 33 нафарни ташкил этади. Аҳолининг кўп қисми чўпончилик билан шуғулланади.

Айтиш жоизки, ёшларни турли касб ва ҳунарга ўқитиш ва ўргатиш марказлари 2 та, соҳага қизиқувчилар ва талабгорлар бўлишига қарамай, аёллар сартарошхонаси, яъни "Гўзаллик салони" хизмати ташкил этилмаган (?!)

- Тикувчиман. Тадбиркорликка жуда қизиқаман. Ўзимнинг бир нечта тикув машинам бор. Аммо менда иш шароити йўқ. Мурожаатларим самарасиз бўлган. Менга фақат ишни ташкил этишим учун имконият яратилса бас. Бундан ташқари, қўлимда ҳунарим бор, аёллар сартарошлиги билан ҳам шуғулланаман, - дейди 23 ёшли Гулжон Гадоева.

Бухоро вилоят прокурори Дилшод Файзиев урашувда ёшлар ва аҳолини тинглар экан, Ромитан туман ҳамда шаҳарча мутасадди раҳбарларига ишбилармон ва тадбиркорликка интилиши бўлган ёшлар жуда кўплиги, нега шу пайтгача бор имкониятдан фойдаланиш чоралари белгиланмагани, шу кундан эътиборан, шаҳарча ёшларини қўллаб-қувватлаш, уларга елкадош бўлиш муҳимлигини таъкидлади. Тадбиркорлик субъектини ташкил этмоқчи бўлган ёшларга шу жойнинг ўзида имтиёзли кредит ажратиб берилиши масаласи ҳал этилди.

"Қачон бозор тикланса..."

- Уч нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим қоровул бўлиб ишлайди. Пишир-тушир қилиб, уни сотиб, рўзғорни тортишга унга кўмаклашай, десам, шаҳарчамизда биттаям бозор йўқ,-дейди фуқаро Хуршида Қувватова,-қачон бозор тикланса, ҳаловат топамиз...

Маълумот ўрнида: Газли шаҳарчасида 32 та дўкон, 12 та ошхона мавжуд. 3 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та шифохона бор.

"Гўштсиз овқат пиширишга мажбурман..."

- Газли вилоят ва туман марказидан жуда олисда. Чўл ҳудудида яшаймиз. Шароит ва имкониятлар ҳам шунга яраша. Нарх-наво эса осмонқадар, жуда баланд. Уч-тўрт ойдан буён болаларимга гўштсиз овқат пиширишга мажбур бўлаяпман. Газли шаҳарча ободонлаштириш бўлимида ишлайман. Берилаётган маош оз бўлишига қарамай, иш бўлмаган кунлардан ўттиз минг сўмгача ушлаб қолишади, ундан ташқари, касалликка доир ва меҳнат таътили учун пул ёки қўшимча рағбатлантирувчи мукофот тўловлари берилмаслигини қатъиян таъкидлашган. Бунинг эвазига эса бошқа жойдан иш излашимизга мажбур бўлмоқдамиз. Аммо иш йўқ! - дейди фуқаро Зарина Турсунова.

Бухоро вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи Мирали Ҳамроевга кўра, З.Турсунованинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилмоқда.

"13 ойлик маош қачон берилади?!"

Газлида "Прокурор ва ёшлар учрашуви"нинг сайёр қабулга айланиши, албатта, мазкур манзилда муаммо ва ташвишларнинг талайлигидан дарак берди. Ҳар бир масала эътиборда бўлди.

Айниқса, "Газлинефтгазқазибчиқариш" МЧЖ ишчи-ходимлари томонидан 13 ойлик маошнинг берилмаётгани, бир неча маротаба орган вакилларига бу борада ёзма баён қилинган бўлса-да, муаммо ечимсиз қолмоқда. Бу хусусдаги мурожаат вилоят прокурорини эътиборсиз қолдирмади. Ушбу масалага тез кунда ойдинлик киритилиши билдирилди.

Майда, маиший муаммоларга чалғимайлик!

Афсуски, муаммоларни ечиш асносида аҳолининг айрим қатламлари орасида майда-чуйда маиший ташвишларни рўкач қилиб, "Уйимни суварак босган, тозалаб беришсин", "Томимдан чакки ўтади, суваб беришсин", "Қизим эридан ажралиб келганига йигирма йил бўлган уй беринг!", ҳатто, ўзи меҳнат билан банд бўла туриб, яна гўё ишсиз сифатида мурожаат этганлар ҳам талайгина учради. Бу эса аҳоли ва фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида учрашувлар ўтказиш муҳимлигини кўрсатди.

Қайсики, майда, маиший муаммоларга чалғиш одамларни эринчоқ ва боқиманда қилиб қўйиши, эҳтимолдан холи эмас.

Бундоқ қарасак, одамлар ҳаддан зиёд маиший муаммоларга ўралашиб қолишдан чарчамаяпти, мутасадди раҳбарлар ҳам маиший муаммоларни ҳал этиш учун ҳалак...

Ўйланиб қоламиз: одамларда нега боқимандалик кайфияти ошяпти, нега ўзи учун ўзи яшамаяпти, турмушининг тўкин бўлиши учун жон куйдирмаяпти?!

Эрта тонгдан қўлтиғида "Мурожаатлар" папкасини қистириб олган турли идора, ташкилот вакиллари ҳам давлат ва жамият, мамлакатнинг эртанги кунига даҳлдор долзарб масалаларни кейинроққа суриб, маиший муаммоларни ҳал этишга чопқиллайди! Шунда ҳам ё ҳал бўлади, ёки йўқ...

Узоқ йилдан буён икки нафар ногирон фарзандига термулиб, умр ўтказган газлилик онаизор ёшларга, одамларга юзланади:

- Худойим берган дард. Давлатдан, маҳалладан кўмак сўрашга ботинолмайман. Қайси бир ногирон болага қарасин давлат. Ҳар бир инсон ўзи учун ҳаракат қилса, буюк натижаларга эришади,-дейди у,-Тинчлик қадрига етайлик! Шукроналик келтирайлик шу насим кунлар учун! Дунё ҳавас-да юртимизнинг эртанги куни учун майда маиший муаммоларга чалғимайлик! Яратган эгам ҳар биримизга соғлом билак, соғлом ақл, соғлом фикр берган: фақат уларни ўз ўрнида заковат ила ишлатиш ўзимизнинг хотиржамлигимиз эканлигини унутмайлик!

Рағбат. Совға. Эъзоз.

Бугунги тинч-хотиржамликка шукроналик, ёрқин келажакни қуришда елкама-елка туриб, биргаликда ишлаш, мавжуд тўсиқларни ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали бартараф этиш борасида ҳам амалий таклифлар тингланди.

Тажрибали психолог билан ўтказилган интерактив-ўйинлар қизғин таассуротларга бой бўлди.

Учрашув давомида 36-умумий ўрта таълим мактаби кутубхонаси фонди учун ўзбек ва қозоқ алифбосига оид 100 дона бадиий китоб, телевизор ҳамда фаол ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Учрашув сўнггида 150 нафар ёшлар ва аҳоли учун дастурхон тузалиб, ош тортилди.

Газета саҳифаланаётганда:

Газли шаҳарчаси ҳокими ўринбосари Лазиз Нуровга кўра, "Прокурор ва ёшлар учрашуви"дан сўнг ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 18 нафар ёшларга кам фоизли имтиёзлик кредитлар берилган. 2 та кам таъминланган оилага хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун тикув машиналари совға қилинган. Бундан ташқари, 30 ёшгача бўлган ёшларга вилоят Савдо-саноат палатаси томонидан ишлаб чиқариш ускуналари кам фоизлик кредитлаш асосида таклиф қилинган.

Лайло ҲАЙИТОВА

Болалигим-пошшолигим, шўхликлари бир дунё...

Ҳар бир инсоннинг умри давомида эслаб юрадиган, энг бахтли, энг қувончли лаҳзалар бўлади. Шу кунларни катта хурсандчилик билан ёдга олиши мумкин. Аммо, ҳеч бири ҳаётимизда болаликдек беғубор, самимий из қолдирмаган. Болалик кичик ва арзимас нарсалардан ҳам қувонган, жилла қурса, жимитдайгина танбеҳ учун катталардан аразлаган дамларимиз ҳамдир. Катталар ҳам болалигида бизлардек шўх ва шумтака бўлишган. Келинг, мамлакатимизнинг турли ОАВларида фаолият кўрсатаётган журналист опа, акаларимизнинг болалик хотираларини биргаликда ўқиймиз.

Оппоқ эди бошда бу дунё:
Кўча оппоқ, кечалар оппоқ,
Қандай яхши экан болалик,
Оппоқ ранглар билан яшамоқ…
Яшилланди кейин бирма-бир
Дала, чорбоғ, омонат кўприк.
Довуччадек мўлтираб боқди
Қўшни боққа тушган болалик…
Мовийланди кейин барчаси…
Болалигим термулди маҳзун:
Қорачиғи – туннинг парчаси,
Илк севгиси киприкдек узун.
Кейин аста хира тортди нур,
Аралашди оқ, яшил, мовий,
Болаликдан кейинги умр
Дарёдек тинч оқа бошлади.
Фақат баъзан бу азиз ранглар
Тушларимга солар қасирға.
Оппоқ болиш устида ёнар
Кўздан оққан томчи – исирға.

Хуршид Даврон

Дилфузабону Авазова:



- Менинг оиламдагилар ота-онам ҳам, опам, акам ҳамма оғир, босиқ. Уйимизда доим осойишта муҳит бўлган. Аммо менда психологик муаммолар бўлган, шекилли, ўта шумтака ва шаддот бўлганман. Амакимнинг ҳали қурилиши битмаган иморатлари томида ин қуриб олган қушларнинг инини бузиб, патсиз полапонларини олиб, ичига шприцда “пақ” этиб ёрилгунча сув жўнатардим. Эсласам, болалигимда жуда раҳмсиз ҳам бўлган эканман. Ҳатто, кучугимизнинг болаларини тандирга отганман. Мушукларни ҳадеб азоб бераверганимдан мени кўрса, деворга чиқиб кетарди, мендан қочишга уринарди. Ойим ташвишланганидан сигир-бузоқлар олдига иложи борича мени йўлатмасликка ҳаракат қиларди.

Элдор Асанов:

- Болалигимизда олича териб, шишада эзиб ичардик. Уларни ўз қўлимиз билан тайёрлаганимиздани, дўстларимиз бироз ичишга сўраса ҳам қизғонардик. Агар ҳозир ҳам оличани шишага-да эзиб ичсам ҳам ундан илгариги таъмни толмайман. Тўғри, болалик онларини ҳис этиш мумкин, бироқ унга қайтиб бўлмайди. Бугунга келиб эса болаларимиз учун тайёр шарбатларни дўкондан сотиб оламиз. Унинг организмга фойдаси бўлса-да, ичаётганда болага завқли лаҳзаларни ҳадя эта олмайди.

Ҳулкар Абдуллаева:

- Дарахтларга чиқиш бўйича ўша давр болалари ҳозиргиларга мастер класс ўтиб бериши мумкин. Ман дарахтга чиқишга чиқиб, ҳеч муваффақиятли тушолмас эдим. Албатта, дарахтга чиққанимни билдириб турувчи “белгилар”им бўларди. Ё қўлимни тимдалаб олардим ёки оёғим яраланарди. Тўғриси, мен учун дарахтларнинг умуман фарқи йўқ эди. Истаганимга чиқиб кетаверардим. Аммо энг яхши кўрган дарахтим катта тол эди. Аразласам, ўшанга чиқиб олардим. Ичида уйчамиз ҳам бор эди. Юрагимиз нақадар катта бўлган-а? Ҳатто тиканли чилонжийдага ҳам чиқиб, энди-энди қизарган жийдани “карсиллатиб” ейишни бирам ёқтирардимки...
Мевалар ичида эса энг хуш кўрганим олма эди. Ўша пайтда қўшнилар бемалол бир-биримизнинг томорқамиз ёки боғимизга ўтиб, мевасини қоқиб еб кетаверардик, ҳеч ким индамасди. Амакимникида қатор олма дарахтлари бор эди. Пастга тўкилган олмаларга қарамасдик. Қип-қизил пишиб турган олмаларни энг баланд шохидан узиб ердик, шундан завқ олардик. Ҳали-ҳалигача олма жону дилим!

Лочинбек Худоёров:

- Мен эса болалигимда Зорро бўлганман. Дарахт шохларини узиб олиб, қилич ясардик. Лекин ўша пайтда ҳам китобга бўлган муҳаббатим айроча эди. Бугунги кунда нимагаки эришаётган бўлсам, бунинг учун бахтли ва қувноқ болалигимга раҳмат, дейман.

Муҳаббат Расулова:

- Опамга ҳеч қачон мендан олдин янги кийим олиб беришолмас эди. Албатта, тортиб олардим. Улғайгач, ақлли қиз бўлдим-қолдим. Ҳеч кимни урмадим, ҳеч ким билан жанжаллашмадим.

Садоқат Сафоева:

- Онам тикувчи бўлган. Ортиб қолган газламалардан жамалак тикиб, сочларимизни майда ўрар эдик. Дугоналарим билан ўша қолган газламаларни бошимиз устига рўмол қилиб, “келин салом” ўйнаганмиз.

Муҳайё Мирзаева:

- Ёзнинг айни иссиқ вақтида, қуёш осмондан тик боқиб турганда кўчамиздаги дугоналарим билан ўйнагани ташқарига отилардим. Лойдан қозон, ликопчаю чойнаклар ясаб, “меҳмон-меҳмон” ўйнардик. Турли хил ўт, майсалар териб келиб, овқат, торт ва ширинликлар тайёрлар эдик. Қанд қоғозлари билан “пул-пул” ўйнардик. Ҳатто, қишлоғимиздаги Аҳмад дўкондор бу “пул”ларга ширинликлар бермагани учун деразасининг ойнасини лой билан суваб кетганмиз.

Зарина Набиева:

- Болалигимда онам менга шеърлар ёдлатарди. Аммо пошшо кўнглим бироз эринчоқ бўлганми, шеърни ойим мендан олдин ёдлаб бўларди. Ўшанда менга ёдлатиш баҳонасида ўзи ҳам кўп шеърлар ўргангани учунми, дарс тайёрлашимда ўта талабчан эди. Шу боис, ҳозиргача ҳам бир маротаба ўқиганим узоқ вақтгача хотирамда қолади. Онамнинг худди шу тарбияларини ҳозир фарзандларимга қўллаяпман.

Болаликка қайтгим келади

Болалик. Киши умрининг энг беғубор фасли. Бу давр бизнинг хотирамизда кўпроқ мактабдаги шўхликларимиз билан муҳрланиб қолган. Синфдошларимиз билан бирга копток ўйнаб, деразаларнинг ойнасини синдирганимиз, қоқ пешинда томорқаларга чиқиб ўйнаганимиз, далаларда югуриб юрган кезларимиз...

Беғубор давримизни эслаб, ҳозирги вақт билан солиштирар эканман, болалик хотираларимга қайтгим келади. Биз кечалари тонг отгунча ухламай, ой шуъласида китоб ўқирдик.

Ҳозир эса китоб ўрнини тонггача телефон ўйнаш билан ўтказишади. Шеърлар ёдлаб, чироқ ўчганда шам нурида бармоқларимиз билан ҳайвонларнинг қиёфасини тасвирлар эдик. Ҳозирги замон болалари қулоқчин ва телеграмдан бўшашмайди. Ўртоқларимиз билан бирга дарс тайёрлаш учун кўчаларни чангитиб, олис йўл босиб, уларнинг уйларига борардик. Бугунги дўстлар билим олиш ўрнига, бирга-бирга интернет-кафеларда ўйинлар ўйнашга боришади.

Кечалари оқшом эртакларини тинглаб бўлгач, вақтли ором олар эдик. Бугунда шу болалар отаси ва онасининг ёнида ўтириб, турк сериалларини томоша қилишдан ортишмайди.

Ҳаётда яшаш шунчалик осонлашдики, бир жойда ўтириб, ҳар қандай ишни амалга ошириш имкони бор. Замон бизни дангаса қилиб қўйдими ёки инсон шунчалик ўзгардими, англаш қийин.

Шу ва шунга ўхшаш бугунги кундаги нохуш ҳолатлар ёшларимиз орасида кўпайиб кетмоқда. Шуларни ўйлаганда, ўқувчиларимга қараб туриб, оҳисда шивирлайман: “Болаликка қайтгим келади...”

Феруза Ҳамроева,
Бухоро шаҳридаги
26 – умумий ўрта таълим мактаби
директори ўринбосари.

Саҳифани Зулфизар Мавлонова тайёрлади.

БЕҲАЁЛИК ТАРҒИБОТИ ёхуд тарбиянинг ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?!

Синфхонага кирсам, беш-олтита бўлиб телефонни қизиқиб томоша қилаётган ўқувчилар мени кўриб, талмовсираб қолишди. Ниманидир яширишаётгани ҳаракатларидан аён. Бориб ўқувчининг қўлидан шапалоқдек матоҳини олиб, обдон кўздан кечирмоқчи бўлдим.

Қизариб, вазиятга ойдинлик киритмоқчи бўлгандай (мактабга телефон олиб келиш мумкин эмас эди-да) жовдираётган ўқувчимга боқиб, қизиқишим ортди. Афсуски, "кузатув" дилимни хуфтон қилди. Расмга тушиш баҳонасида бир кунга, деб отадан олинган телефоннинг ичида нафратингни туғдирадиган суратлар-у, бола тугул, каттани ҳам уятдан ўлдирадиган видеолавҳаларни кўриб, ақлим шошиб қолди. Тўғриси, ўқувчиларнинг олдида нима қилишни, бу ҳолатга қандай баҳо бериб, қандай чора кўришни билмай қолдим. Мени танг қолдирган ушбу беҳаёлик тарғиботи болалар томонидан ҳеч бир андишасиз қабул қилингани эсанкиратди...

Дарҳақиқат, телефон ўқувчиники эмас, 35-40 ёшлар атрофидаги отанинг "овунчоғи".

Ҳа, арпа экиб, буғдой ўраман, деб юрган хомхаёл катталарга тегишли "шахсий омборхона".

Мени бу ҳолат узоқ ўйлантирди. Тарбия, китоб, маърифат, маданият хусусида сиёсат даражасида қанчалик кўп гапирилмасин, "юқмаётган" айрим одамларни, хусусан, бевосита ўзи беҳаёлик тарғиботчиси бўлган ота-оналарни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайди, киши. Ахир, уларнинг бўйидаги бегуноҳ "қоракўз"ларга ҳаётнинг маъносини, гуноҳ ва савобини, илмнинг аҳамиятини-ю оддий инсонийлик чегараларини ғойибдан келиб, ҳеч ким ўргатмайди-ку?! Ўзлари бу тахлит чиркин яшаётган, кўзларини, қалбларини фаҳшдан тиёлмаётган катталардан фарзандлари нимани ўргансин?! Гоҳида болаларнинг оддийгина асрлар опичиб ўтган қадриятларни билмаслиги, салом беришнинг, раҳмат айтишнинг аҳамияти, шукур қилишнинг моҳияти, зиёрат одоблари, ҳар бир босган қадамининг ҳикмати, ўтган кунининг сарҳисоби хусусида бошланғич тушунчаларни-да, англамаслиги "ҳурматли" ва кези келса, гўё ўта "куйинчак" ота-оналарнинг айби эмасми?!

Балки ижтимоий тармоққа ўзи-ю оиласини, ёри-ю қилаётган ҳар бир ишини пайдар-пай жойлаётган, кимгадир видео, мусиқа ёки сурат жўнатаётган, қайсидир танишув сайтларида етти ёт бегона қиз-у жувон ёки йигит-у эркак билан суҳбатлашишдан ҳаё қилмайдиган интернетпарастларни тарбиялаш керакдир?! Чойхонама чойхона, ўй-хаёли кўчада юрган оталарни-ю, гап-гаштак дарди билан ёниб-куядиган, фарзандини айни пайтда нима билан машғуллигини билмайдиган бепарво оналаримизни "даволаш" лозимдир?! Бизга оддийгина бўлиб туюлаётган кундалик эрмакларимиз, беҳаёлик тантанаси, оғринмаётган, хижолат тортмаётган кўнгил, вақтнинг уволи эртага қимматга тушмасмикан?!

Телефоннинг ичида нафратингни туғдирадиган суратлар-у, бола тугул, каттани ҳам уятдан ўлдирадиган видеолавҳаларни кўриб, ақлим шошиб қолди. Тўғриси, ўқувчиларнинг олдида нима қилишни, бу ҳолатга қандай баҳо бериб, қандай чора кўришни билмай қолдим.

Мактаб – илм ўчоғи. Ушбу муборак масканда илм билан бирга тарбия ҳам бериб борилади. Аммо болаларга устоздан кўра масъулроқ, яқинроқ, қимматлироқ ота-онанинг ўрни бўлак. Қарс икки қўлдан чиқади.

"Ҳақиқий бахт-саодат, ҳақиқий хотиржамлик ва ҳақиқий ҳаётни китобдан топасан", "Ким тўғри йўлда юрса, муродига етади", - деган жумлаларни келажак давомчиларига етказиш учун ҳам ўзимиз шахсий намуна кўрсата олишимиз керак эмасми?! Аксинча бўлганда, вақтдан бой берилгач, хулқи носоз фарзандга на адиб, на табиб ва на одоб ёрдам бера олади.

Мана шундай мулоҳазалар исканжасида устозимнинг куйиниб айтган бир гапи бот-бот хаёлимдан ўтади. "Оқил, солиҳ ва солиҳа, маънан ва жисмонан етук фарзандга эга бўлмоқчи бўлсанг, аввал ўзинг шу даражадаги инсон бўлишинг керак. Неъматлар ҳам ниятлар ва ҳаракатларга қараб беради."

Ситора Шамсиддинова

ИККИ 15 - БИР 30

Халқ мақоллари ва топишмоқлари - миллатнинг ўтмиши, ўй-хаёллари, орзу-умидлари, турмуш тарзи ҳақида маълумот берадиган ноёб кўзгу ҳисобланади. Мақоллар ва топишмоқлар асрлар давомида инсонларнинг бошдан кечирган кечмишлари асосида мисқоллаб тўпланади. Мен ўзимнинг узоқ йиллик педагогик фаолиятим давомида бола онгининг ривожланиши ва ўсишида мақолларнинг ўрни беқиёс эканлигини англаб етдим. Мақоллар ва топишмоқлар, нафақат, шууримизда, балки сўз бойлигимизнинг шаклланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, сонлар билан боғлиқ мақоллар ва топишмоқлар халқимиз орасида жуда кенг тарқалган. "Йигит кишига-қирқ ҳунар оз", "Санамай саккиз дема", "Етти ўлчаб-бир кес", "Икки ўн-беш бир ўттиз" каби халқ мақоллари шулар жумласига киради.

Мен математика фани ўқитувчиси бўлсам-да, ўқувчилар ўртасида сонлар қатнашган мақол ва топишмоқлар мавзусида бир неча марта беллашувлар ташкиллаштиришга ҳаракат қилдим ва бу жараён улар орасида катта қизиқиш ва дарс сифатининг ошишида яхши самара берганига гувоҳ бўлдим. Демак, халқ дурдоналари ҳар бир илму фаннинг асосий пойдеворидир.

Зулфия Ҳамроева,
Бухоро шаҳридаги 26- умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

КИТОБНИНГ "ТАЪМИНИ" БИЛАСИЗМИ?

Ҳар гал она тили ва адабиёт фанини ўтиш учун синфхонага кирсам, дарсни ҳаётимда чуқур из қолдирган китобларнинг бирини мақташ билан бошлайман. Аслида, мен ўқиган китобларнинг ҳеч бири мақтовга муҳтож эмас. Биринчи бетини ўқишинг билан ўриндиғингга маҳкам ўтиришга мажбур қиладиган ноёб жавоҳирлар, менинг назаримда. Аммо завқ-у шавққа, ўйинга осон бериладиган қоракўзларни қизиқтириш учун ҳам шундай қилиш керак-да!

Атрофдан шалоладай тошиб келаётган овозлар янграйди. "Устоз, бу китоб қаерда бор?", "Қайси дўконда сотилади?", "Янги очилган кутубхонамизда бормикан?", "Неча бет?", "Сўзлари қийин эмасми?"

Ўзанига сиғмаётган болакайларнинг ҳайрат тўла нигоҳларига берилиб, ўзимни ҳам янги бир асар ўқигим келади. Кейинги дарсда олти, етти боланинг қўлида ўша китобни учратаман. Бебаҳо бойликка эга бўлгандек суюнишади. Аммо, гапларимни ҳеч қандай ҳайратларсиз, ҳеч нарса бўлмаётгандай қабул қилаётган ўқувчилар ҳам бор. Уларни кўриб, оғринаман. Аслида эса болаларда ҳеч бир айб йўқ. Фарзандига битта китобни раво кўрмайдиган, дод-у бедод машинаси, сурув-сурув қўй-қўзиси, қатор-қатор новвоси, гектар-гектар ери бўла туриб, уйида биттагина бўлса-да, китоб топилмайдиган ота-оналардан хафа бўламан.

Дунёдаги ҳар қандай ҳою-ҳавасдан устун боланинг тақдирига "жўн бир иш" деб қараётган, эрталабдан кечгача турмушнинг ризқ-у насиба билан боғлиқ жабҳаларида жавлон уриб, зурриёдининг митти дунёсида нималар бўлаётганидан бехабар ота-оналарга ачинаман.

Атрофда содир бўлаётган айрим нохуш ҳодисаларга илмсизлик орқасидан аралашиб қолиб, ёш умри хазон бўлаётган ёшларнинг ота-оналаридан ғазабланаман.

Китобнинг сеҳрли ҳиди, "мазаси", ҳеч нарсага алишиб бўлмайдиган "тансиқ таъми"дан бебаҳра одамларга боқиб, "китоб ўқиганмисиз?" дегим келади.

Жавонимдаги китобларим кўзимга ҳеч бир бойликка алишиб бўлмайдиган олтинга ўхшаб кўринади. Тафаккур завқини ўқувчиларимга ҳам илингим келади. Қанийди, адабиёт дарслари билан бирга мактаб дастурида болаларнинг ёшига мос ҳадислар шарҳига бағишланган фан қўйилса, дея орзуга бериламан. Айрим хурофотга, бидъатга, исрофгарчиликка йўл берадиган, илмнинг аҳамиятини қорин-қурсоқ ғами билан алмаштирадиган баъзи ота-оналарга кўмакчи бўла оладиган, оқ-у қорани эрта таниб, эс-ҳушини таназзуллардан омон сақлайдиган шарм-ҳаёли ўқувчилар кўпайса, дейман.

Мана шундай ширин хаёллар билан навбатдаги "китоб тақдимоти"ни интизорлик билан кутаман.

Тоҳир Жомардов,
БухДу 1-босқич магистранти.

ВРЕМЯ ДЕЙСТВОВАТЬ!
Создание реальности:

ПУТЬ К ЛЮБОЙ ЦЕЛИ НАЧИНАЕТСЯ С МЫСЛЕННОГО ОБРАЗА В ВАШЕЙ ГОЛОВЕ. ЧЕМ ОН ЧЕТЧЕ, КОНКРЕТНЕЙ И ЯСНЕЕ, ТЕМ БЫСТРЕЕ ЦЕЛЬ СТАНОВИТСЯ РЕАЛЬНОСТЬЮ. НО ЕСЛИ ВАШИ МЫСЛИ ХАОТИЧНЫ И В НИХ НЕТ ФОКУСИРОВКИ НА ЧЕМ-ТО ОДНОМ - НЕ УДИВЛЯЙТЕСЬ, ЧТО ДОСТИЖЕНИЕ МЕЧТЫ ИДЕТ ОЧЕНЬ МЕДЛЕННО.

Напрягите свой мозг, определите чего вы хотите от жизни, создайте из этого конкретный образ, и начните думать и представлять это каждый день.

Ваши шансы на успех равны 50 %, вы либо достигните цели, либо нет. Но в большинстве случаев количество попыток неограниченно. И если сегодня вы потерпели неудачу, то никто не мешает вам пробовать еще и еще раз.

Это значит, что ваши шансы на победу практически приближаются к 100 %.

Выращиваем самооценку:

Если каждый день становиться хотя бы на 1 % лучше, чем вчера, то рано или поздно это поможет стать успешным.

Если вы сравниваете себя с лидерами, то даже не начнете действовать, потому что вам до них как до солнца. Такие сравнения лишь снижают вашу самооценку и мотивацию.

Стать лучше на 1 % может любой. Стать лучше сразу на 100 % не может никто.

Вы либо развиваетесь, либо деградируете. В природе нет такого понятия как остановка или пауза. Есть только два процесса - развитие или разрушение. Если сегодня вы ничего не сделали для достижения успеха, значит завтра вы будете чуть хуже, чем сегодня. Так что стремитесь к своей цели каждый день.

Сосредоточьте все, что у вас есть на простой задаче - стать сегодня лучше чем вчера. Именно об этом думают все успешные люди. Если это получится, успех вам гарантирован.

Золотые часы:

На период с 9 до 11 утра приходится пик активности человека. Самые сложные и трудозатратные задачи лучше выполнять именно в этот промежуток. Если начать рабочий день с выполнения наименее привлекательной задачи, остаток дня будет свободен для креативной и увлекательной работы.

Не ждите лайфхаки!

Информационный шум мешает сосредоточиться и применять на практике полученные знания. Он держит нас в постоянном страхе, что мы можем упустить что-то действенное и полезное. В итоге мы не занимаемся изменением себя и своей жизни, а находимся в постоянном сборе, анализе и сортировке всё новых и новых методов и советов.

Не ждите, когда вы соберёте все методы, инструменты и лайфхаки.

Чтобы начать коренным образом менять свою жизнь. Скажите себе: «Совсем чуть-чуть — это неизмеримо больше, чем ничего», — выберите даже первый попавшийся совет, но выберите и приступайте к его воплощению при первой же возможности. А ещё лучше создайте такую возможность сами.

ENGLISH PROVERBS WITH NUMERAL COMPONENT AND THEIR UZBEK EQUIVALENTS

Proverbs are used by speakers for a variety of purposes. Sometimes they are used as a way of saying something gently, in a veiled way. Other times, they are used to carry more weight in a discussion; a weak person is able to enlist the tradition of the ancestors to support his position, or even to argue a legal case. Proverbs can also be used to simply make a conversation or discussion more lively. In many parts of the world, the use of proverbs is a mark of being a good orator.

The study of proverbs has application in a number of fields. Clearly, those who study folklore and literature are interested in them, but scholars from a variety of fields have found ways to profitably incorporate the study proverbs. For example, they have been used to study abstract reasoning of children, acculturation of immigrants, intelligence, the differing mental processes in mental illness, cultural themes, etc. Proverbs have also been incorporated into the strategies of social workers, teachers, preachers, and even politicians.

Proverbs are used by spThe analyses of proverbs showed that, the structure of English and Uzbek proverbs mainly partially corresponds: Measure thrice before you cut once -Yetti o`lchab bir kes; A man can only die once — Bir boshga bir o`lim; Every bean has it's black — Har zog'da bir dog'; The moon is not seen when the sun shines — Yetmish yulduz yarim oyga tanimas.

Complete correspondence of proverbs with numeral component is rarely observed:

Two heads are better than one — Bir boshdan ikki bosh yaxshi; There are two sides to every question- Har yaxshida bir ammo bor, Har yomondabir lekin; Two of a trade never agree — Ikki qo`chqor kallasi bir qozonda qaynamas; Have more brains in one's little finger than one has in his whole body-Yuzta axmoqdan bitta aqlli zo`r; Two blacks do not make a white —Ikki yomon qo`shilsa keng dunyoga sig'ishmas; Hear twice before you speak once — Ikki marta tinglab, bir marta gapir; The voice of one man is the voice of no one-Bir daraxtdan bog' bo'lmas yoki yolg`iz otning changi chiqmas and others.

Summing up, we can say that both English and Uzbek languages are rich in proverbs, the Uzbek proverbs contain more numerals than English ones.

Zulayho Pardayeva

БИР ДОНИШМАНДГА БИР ОДАМ ЎҒЛИНИ ОЛИБ КЕЛИБ, "ТАҚСИР, БУ БОЛАМИЗ УЧ КУНЛИК ҚАЧОНДАН ТАРБИЯЛАШНИ БОШЛАЙ?" - ДЕБДИ. ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЎЛГАНИНИ ҲАМ БИЛСАНГИЗ КЕРАК?

ХОТИРАНГИЗ НЕЧА БАЙТ?

"Тарбияга анча кечикибсиз, туғилмасдан олдин бошлаш керак эди",-деган экан донишманд.

Асримиз бошларида олимлар орасида ёш бола тоза хотира билан туғилади, деган фикр мавжуд эди. Илмий изланишлар кўрсатишича, чақалоқ она қорнида йигирма ҳафталик бўлгандан буён унинг хотираси шакллана бошлар экан.

Инсон хотираси ҳақиқатан ҳам ажойиб. У ҳалигача мукаммал тарзда ўрганилмаган. Аммо замонавий илм-фан инсон хотираси тўғрисида кўплаб қизиқарли маълумотлар келтиради.

Маълум бўлишича, инсоннинг касби унинг хотирасига таъсир қиларкан. Ҳаммадан кўпроқ хотираси яхши бўлганлар сухандон (диктор), воиз (лектор), таълим берувчи устозлар ва олимлар ҳисобланар экан. Чунки юқорида саналган касб эгалари доимий машқ қилиш, матнларни овоз чиқариб ўқиш сабабидан шу натижага эришаркан.

Олимларнинг хотираси ҳам жуда яхши эслаб қолишга мойил экан. Чунки уларда миянинг ҳамма қисмлари ва тўқималари зўриқиб ишлашга мажбур. Яна ажабланарлиси, асаларичиларнинг хотираси ҳам кучли ҳисобланар экан. Чунки улар кўп асал истеъмол қилишади. Асалда эса мияни озиқлантирадиган ва хотира кучига сабаб бўладиган микроунсурлар жудаям кўп. Шундай қилиб, хотирасини яхшилайман, деган одам доим миясини "шуғуллантириб", натижаларни асал ейиш билан мустаҳкамлаб бориши керак.

Ҳар куни бир хил таом истеъмол қилиш хотира ишини секинлаштиради.

Инсон хотираси то 25 ёшгача ривожланиб боради, деган фикр ҳам мавжуд. Хотира эслаб қолиш бўйича 19-20 ёшларда энг юқори нуқтага чиқади. Кейин то 50 ёшгача бир хил – ўзгармас давр давом этади. Ундан сўнг хотира заифлаша боради.

Инсон хотираси 1-7 террабайтга тенг ахборотни сақлаб тура олиши мумкин экан.

Инсон ҳам компьютер сингари қисқа вақтда ва узоқ вақт давомида сақлаб турувчи хотираларга эга. Тезкор хотира тўғрисида гапирадиган бўлсак, бунга имтиҳонга тайёрланувчи талабалар ёрқин мисол бўла олади. Чунки улар имтиҳондан кейин бор билганларини эсдан чиқариб юборишади. Узоқ сақланувчи хотирага мисол қилиб, қарияларнинг хотирасини олиш мумкин. Улар хотираси ёмонлигидан шикоят қилса-да, бундан 60-70 йил олдин ўтган, болалигидаги воқеаларни ҳикоя қилиб юришади.

Саҳифани Зарнигор Собирова тайёрлади.

ҚИЛДАН ҚИЙИҚ ҚИДИРМА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА БУХОРОДА ҚАРОВСИЗ ҲОЛГА КЕЛИБ ҚОЛГАН МАСЖИДЛАРДАН БИРИДА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАНДА, АРАБ ЁЗУВИ БИТИЛГАН ҚАЙРОҚТОШ ТОПИЛГАНИ ҲАҚИДАГИ ИЛК ХАБАРЛАР ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ЁРИТИЛГАН ЭДИ.

“БИРОВНИНГ САВОБИГА шерик бўлиш...” БАРЧАМИЗГА ЁТ

Унда Ўзбекистон Тарихчилари жамияти Бухоро вилояти бўлими раиси Азалшоҳ Ҳамроев томонидан Бухоронинг қадимий гузарларидан бирида жойлашган, пойдевор қисми XIV- XV асрларга, устки қисми эса XIX асрда тикланган “Мулла Пайравий” масжиди (айрим манбаларда чиллахона ёки кутубхона, деб юритилган) узоқ йиллардан буён эътиборсизлик натижасида қаровсиз ҳолга келиб қолгани билдирилган эди. Шундан сўнг Бухоро вилоят Маданий мерос бошқармаси томонидан масжидда ободонлаштириш ишлари бошланган ва тадқиқотларга кўра, масжиднинг пойдевори ҳам изланишлар жараёнида топилгани ҳақида маълум қилинган.

Орадан кўп ўтмай, Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи Абдураҳимхўжа Бафоев ижтимоий тармоқларда “Бухородаги Хўжа Порсо мадрасаси ташландиқ аҳволда эди... Бунга ким айбдор эканлигини адлия бўлими ўрганди” сарлавҳаси остида мақола эълон қилди. Мақолада келтирилишича, Бухоро шаҳар адлия бўлими томонидан шаҳардаги айрим маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланиш мониторинг қилинганда, бир қатор салбий ҳолатлар кўзга ташланган. Унга кўра, XVII асрда қурилган Абдулазизхон мадрасаси, XVIII асрда қурилган “Тош Сарой” мадрасаси, XIX асрда қурилган “Чуқур” мадрасаси, “Намозгоҳ” мажмуаси ҳамда “Мулла Пайравий” масжиди каби тарихий обидаларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиддий қонунбузилишлар аниқланган. Бу бўйича Маданий мерос Департаменти Бухоро вилоят бошқармасига тегишли тақдимномалар киритилган.

“Мазкур мутасадди ташкилотга тақдимномалар киритилишига қарамасдан, бу объектларда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари, гарчи баъзи ижтимоий тармоқларда “Биз амалга оширдик”, деб мақтанган бўлишса-да, аслида, Бухоро вилоят Маданий мерос бошқармаси ходимлари эмас, балки саховатпеша инсонлар, ўзини кўзкўз қилишни истамаган камтарин тадбиркорлар томонидан кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилганлигини бухороликлар жуда яхши билади”,-деган кесатуғомуз сўз боради мақолада.

Ушбуга мувофиқ, Маданий мерос Департаменти Бухоро вилоят бошқармаси ўз раддиясини қуйидагича билдиради.

Раддияга кўра, мақолада кўрсатилган ҳар бир ҳолат ўрганилган. Энг қизиғи, Бухоро шаҳар адлия ходимлари, шаҳардаги маданий мерос объектларига умуман бормаганликлари, мақола шунчаки оғзаки сўровлар асосида ноаниқ муносабатларга таяниб, ёзилганига аниқлик киритилгани билдирилган.

“Ваҳоланки, мақолада аниқ қайси қонун бузилишлар юзага келгани ҳақида кўрсатилмаган. Ачинарлиси, танқидий мақолада Вазирлар Маҳкамасининг турли қарорлари шу қадар нотўғри келтирилганки, бундай номли қарорлар йўқ ва улар ҳеч қачон қабул қилинмаган”,-дейилади.

Шунингдек, раддияда Бухоро шаҳар адлия бўлими раҳбари бутун Жаҳон хабардор бўлган Ҳукумат қароридан бехабар бўлгани ачинарли. Бинобарин, Бухоро шаҳар тарихий марказида барча қурилишлар, ҳаттоки шахсий уйларнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари тўхтатиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июдаги 435-сонли қарорининг 4-, 9-бандларида Бухоро тарихий маркази ва унинг муҳофаза ҳудудларидаги барча капитал қурилиш ишлари, Умумжаҳон мероси маркази томонидан маъқуллангунга қадар тўхтатилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 435-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати Мажлисининг 2019 йил 23 сентябрдаги 132-сонли баённига мувофиқ, “Бухоро тарихий маркази” бўйича ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси қўмитаси55555 тавсияларига асосан, Бухоро вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги билан биргаликда “Бухоро тарихий маркази” батафсил режалаштириш лойиҳаси тайёрланиш жараёнида Бухоро шаҳридаги таъмирланиши лозим бўлган объектлар рўйхати тузилиб, ЮНЕСКО тавсиясига асосан ИКОМОС экспертлари билан ҳамкорликда юқорида номлари кўрсатилган объектлар ҳужжатлари тайёрланиб, ЮНЕСКОга рухсат олиш учун юборилганлигини билдирамиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сон қарори ҳамда Бухоро вилояти Маданий мерос бошқармаси Низомига асосан, маданий мерос объектларининг қурилиш-таъмирлаш ишларига молиявий институтларнинг грантлари, кредитлари ва ҳомийлик хайрия маблағларини жалб этилиши белгилаб қўйилган.

Ижтимоий тармоқларда ёритилаётган ҳар бир маълумот ва ахборотлар учун Бухоро вилоят маданий мерос бошқармаси ҳаққонийлигига жавоб беришини билдирамиз, дея якунланади Раддия.

“Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлган Маданий мерос Департаменти Бухоро вилоят бошқармасидагиларнинг эса бировнинг савобига шерик бўлишга қандай уялмаганига ҳайронмиз”,-дея аламзалик билан ёзилган мақолани ўқиб эса: “Ким ёки қайси идора, ташкилот томонидан хайрли ташаббус амалга оширилган бўлмасин, у қадим онажон ўлкамиз, шариф шаҳримиз учун эмасми?”-деган кечинма кўнглимиздан ўтади. Ваҳоланки, шариф шаҳарда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот, шунингдек, тарихий ёдгорликларни сақлаш ва асраш бир ёки бир нечта кишининг эмас, ҳаммамизнинг бурчимиздир. Хайрли ва савобли ишлардан чарчамайлик. Зеро, Бухоро шаҳар адлия бўлими раҳбарининг ички ҳисларга берилган ҳолда мақолада келтиргани: “бировнинг савобига шерик бўлиш...”-ликдек куракда турмас “фазилат” азалдан бухороликлар учун ёт тушунчадир!

“BYO”

САЙЛЛАР САРОЙИ – ШИРБУДУН

Қадимдан Бухоро ҳукмдорларининг давлатни бошқарув маркази Арк қўрғони эканлиги барчамизга маълум.

XIX асрда Бухоро қалъа деворидан ташқарида амир Ҳайдарнинг боғи, амир Насруллохон даврида Уғлон дарвозадан чиқишда “Чорбоғ хосса”, амир Музаффархон даврида Қарши дарвозасидан ташқарида “Ширбудун”, юқоридаги манғит ҳукмдорлари ва сўнгги ҳукмдор амир Олимхон даврида “Ситораи Мохи хосса” саройлари фаолият кўрсатган. Бундан ташқари, шаҳардан ташқарида лашкарбоши Акрамбекнинг, қушбеги Остонақулнинг, қози калон Бадриддин, қози калон Шарифжон, миршаб Ҳожи Ҳикматнинг алоҳида боғ ва саройлари бўлган. Амир Музаффархон (1860-1885) даврида Россия билан нотенг шартнома тузилиши аҳолининг кўплаб қатламлари орасида норозиликни келтириб чиқарган.

Амир турли сайлларни ўтказиш орқали мамлакатнинг иқтисодий ва хорижий давлатлараро алоқасини яхшилашга ҳаракат қилган. 500 тача чодир қад кўтарган. Бу жараён Бухоро шаҳридаги ўзига хос ярмарка эди. Аммо унинг ўғли Абдулаҳадхон даврида 70 кунгача давом этадиган сайллар 15 кунга қисқартирилган. Амир Музаффар бу ерда дастлаб боғ қурдирган. Сайллару базмлар ушбу боғнинг икки ён томонида узун савдо расталарида бўлиб ўтган.

XIX асрнинг 70 йилларида Ширбудунда гилкор уста Раҳим Ҳаётов, дурезгар Абдурасул ва бошқалар иштирокида янги бинолар қурилган. Иншоот қурилишида Бухорода кейинчалик пайдо бўлган рус инженерлари қатнашмаган. Аммо саройнинг ташқи кўринишидан Европа архитектураси белгилари сезилиб туради.

Бухоро амирларининг сарой ва боғлари шаҳар ичи ва шаҳар ташқарисида жуда кўп бўлган. Аммо бугунги кунга келиб фақатгина Моҳи Хосса саройининг ярми сақланиб қолган. Ширбудун саройи ҳам советлар даврида ижтимоий шаҳарлашиш жараёнида вайрон бўлган.

Феруза Шаропова,
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофизи.

САВДОГАРЛАР ШАҲРИ

Маълумки, Бухоро – савдогарлар шаҳри. Буни Араб манбаларида келтирилган “Мадинат ут-тужжор”, яъни “Савдогарлар шаҳри” дейилган номдан хам билишимиз мумкин. Қолаверса, Бухорода бугунги кунда ҳам савдо-тижорат ишлари яхши ривожланган.

Тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфаран-Наршахийнинг маълумот беришича, Бухорода Ҳисор билан Шаҳристон ўртасида, масжиди жомеъ яқинида бир корхона бўлган. Унда халифа учун палослар, дарпардалар, яздий кийимликлар, ёстиқжилдлари, жойнамозлар ва уст кийимлар тўқилган. Битта дарпардага(бутун) Бухоро хирожи сарф бўлар экан. Бағдоддан ҳар йили алоҳида бир киши келиб, Бухоро хирожининг эвазига шу кийимлардан олиб кетган. Орадан вақт ўтиб эса бу корхона бекор қолган ва ҳунармандлар ҳам тарқалиб кетганлар.

Бухоро шаҳрида шундай ишга тайин қилинган усталар бўлган. Вилоятлардан келган савдогарлар бу маҳсулотлардан Шом ва Миср, Рум шаҳарларига олиб кетишган. Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрида бундай (матони) тўқий олишмаган.

Бухорода Ислом дини кириб келишидан олдин пайдо бўлган ва ундан кейин хам фаолият юритган “Бозори Моҳ” бўлиб, уни гоҳида “Бозори Моҳ рўз” деб аташган. Тарихда айтилишича, Бухоро аҳолиси ҳам бутпараст бўлган. Ўша даврлардан бошлаб, таассуфки, бу бозорда бут сотиш расм бўлган. Абу-л-Ҳасан Нишопурийнинг “Хазоин-ул-улум” китобида айтилишича, қадимги вақтларда Бухорода бир подшоҳ бўлиб, унинг номи Моҳ бўлган. У ана шу бозорни қуришга буюрган. Унинг фармони билан дурадгорлар ва наққошлар у йилдан бу йилгача бут йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишган ва халқ уни сотиб олган. Мабодо, у бут йўқолса, синса, ёки эскирса, шу янги сотиб олишга ва эскисини ташлаб юборишга мажбур бўлишган.

Бухоро бугунги кунда ҳам жаҳон аҳли наздида “Савдогарлар шаҳри” дея эътироф этилади.

Рамазон Аҳмадов,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Тарих-фалсафа йўналиши,
1-босқич талабаси.

SMS ёки САВИЯСИЗЛАР маросимидан сўнг...

Ухлайвериб, соатни саккиз қилдим. Эринибгина жойимдан қўзғалдиму, юзимни чала ювиб, нонушта ҳам қилмай, дарсга отландим: кечикканни жазолайдиган ўқитувчининг дарси эди. Амал-тақал қилиб етиб борсам, (шошиб келганимдан афсусландим!) ўқитувчининг ўрнига магистратура талабалари Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар ва кичик саҳна кўринишини аудиторияга намойиш қилаётган экан. Ойбекнинг Зарифа опага ёзган севги мактуби кўпчиликка эриш туюлди, шекилли, залдагилар гуриллаб кулди. Кимдир шеригига пичинг қилди..."анавига сен ҳам хат ёз". Шериги энса қотириб жавоб берди: "Телефон турганда, қоғоз-қалам қилиб ўтираманми...".

Ўйлай бошладим: нега бу саҳна бизга эриш туюляпти? Электрон номаларга жуда қаттиқ боғланиб қолганимизданми ёки хат тугул дарс конспентларини ҳам қўлда ёзишни йиғиштириб қўйганимизданми?... Тўғриси, ҳуснихатим, йўғе, (ажи-бужи ёзувда ҳусн нима қилсин?) ёзувим қандай эканини ҳам унутиб қўйганман.

Авваллари хаттотлик нозик санъат ҳисобланиб, унга эътибор кучли бўлган. Мактуб эса алоҳида жанр сифатида қабул қилинган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий 82 та хатни жамлаб, "Муншаот" асарини яратган.

Яна бир мактуб – Франс Кафканинг отасига йўллаган номаси. Унинг замирида ўғилнинг отага муносабати, меҳр-муҳаббати акс этган. Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романини ўқиган китобхон, Отабек ва Кумушнинг бир-бирига йўллаган мактубларини алоҳида завқ билан мутолаа қилади. Бир эсланг-а, Отабекнинг Кумушга ёзган мактубини Ҳомид қўлга киритиб, мазмунини ўзгартириб, талоқ хатини битади. Шу сабаб анча вақтгача уларнинг ўртасига совуқчилик тушади. Бир ўйлаб кўринг-а, ўша вақтда улар электрон ёзишмалардан фойдаланганда, Ҳомид "хакерлик" қилиб, Отабек номидан "смс" ёзганда нима бўлар эди?!

Яхшиямки, ўша даврда мобил телефонлар бўлмаган. Акс ҳолда, гўзал, мазмундор, мактублар ўрнини қисқартма сўзлар "ғ"нинг ўрнига "г", "ў"нинг ўрнига "у", "ч"нинг ўрнига "4", "ў"нинг ўрнига "6" ёзилган "пати юлинган товуқ"лар эгаллармиди?!

Хаёлларимни амалиётчиларнинг зардали овози тўзғитиб юборди: " Кейинги сафар ҳамма Ойбек ижодини...".

Бўлажак ўқитувчининг гапи шу ерда узилди, "тинг-тинг" деган овоз диққатини бўлди. Афтидан, бирор қадрдони "смс" ёзган кўринади.

Исломжон Омонжонов

BUXORO YOSHLARI

"Ораста қизлар"

Куни кеча мактабимизда "Ораста қизлар" клуби аъзоларининг "Ўзбегим қизлари" дея номланган кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда 6-"А", 6-"Б" ва 6"Д"- синф қизлари 5 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Мактабимизнинг маънавий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Зайтуна Ҳодиева ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўрик-танловда "Қизларжон" клуби аъзолари, технология фани ўқитувчиси Садоқат Ҳотамова, расм ва чизмачилик фани ўқитувчиси Дилафрўз Мавлонова хамда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Марҳабо Худойбердиевалар ҳакамлик қилишди.

Ҳар бир шарт 5 баллик системада баҳоланди. Шартларни бажариш жараёнида қизлар ўз билим ва маҳоратларини намоён этишди.

Жуда қизғин ўтган беллашувда " Энг зукко қизлар" номинацияси билан 6-"А"синф қизлари, "Энг чевар қизлар" номинацияси, 6-"Б"синф қизлари, " Энг ораста қизлар ҳамда 6-"Д"синф қизлари "Энг зукко қизлар" номинацияси билан тақдирландилар. Танлов қатнашчиларига мактаб касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Беллашув жуда қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди ва барчага баҳорий кайфият улашди.

Юлдуз Шарипова, Ромитан туман 6-умумий ўрта таълим мактаби инглиз тили фани ўқитувчиси.



Тишга қўйиладиган «ямоқ»	→					←	Олдин, илгари	↘	Мато ўлчов бирлиги	→	Поён, охир	→	Катта ўғил	... Пумбо (Чингачгук)
қизлар исми	↓				Ёзнинг сўнгги ойи		Обаки, кишмиш		Кема қисми	→			↓	↓
					→						Ака-...	→		
					...-фан		Туркманистон пул бирлиги		...Дасаев (футболчи)	→				
					→		↓	...-юрт	→					Қийин эмас
↘		↘		←	Квадрат (аббр.)	Адолат (қисқача) →		↘						↓
					Уй ҳаммоми									
	Мева уруғи		Симбадаги образ (мульт.)	↘	↘				Пайкал, экинзор					
↘				...-мана дегунча		Азамат, паҳлавон →								
	Фарёд, фиғон		ўқувчи столи →						Туман, Жиззах вилояти	→				

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ БУХОРО ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

БОШ МУҲАРРИР: Лайло ҲАЙИТОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамол НОСИРОВ, Ҳамза РЎЗИЕВ, Гулнора САМИЕВА, Шерзод АШУРОВ, Суҳроб НУРОВ

Газета Бухоро вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2017 йил 15 декабрда 05-081 тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Бухоро шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 20-уй. Телефон: (0365)770-00-56

ТАҲРИРИЯТ ҲИСОБ-РАҚАМИ: 20210000404114165001 "Агробанк" Бухоро шаҳар филиали, МФО: 00089,ОКОНХ: 87100, СТИР: 203590296 Нашр кўрсаткичи: 3051

САҲИФАЛОВЧИ ДИЗАЙНЕР: Хуршид АБДУЛЛАЕВ

ISSN 2181-6557

Газета "Buxoro bosmaxonasi" МЧЖда 1288 нусхада босилди.

Босмахона манзили: Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 27–уй Тел: (0365)223–25–38

Навбатчи: Ситора ШАМСИДДИНОВА

Ҳажми 2 босма тобоқ. Қоғоз бичими А-2. 473 -буюртма. Топширилди — 10:00. Чоп этиш вақти: 11:00 Баҳоси келишилган нархда 03.03.2020 йил

www.buxoro-yoshlari.uz сайти орқали биз билан бирга бўлинг.